



## ТИББИЁТ ОЛИЙҒОҲЛАРИ ТАЛАБА ЁШЛАРИДА МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ИФТИҲОРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Насриева Лола Зайниевна

Бухоро давлат тиббиёт институти

“Даволаш иши” факультети декани муовини  
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7810319>

### ARTICLE INFO

Received: 30<sup>th</sup> March 2023

Accepted: 07<sup>th</sup> April 2023

Online: 08<sup>th</sup> April 2023

### KEY WORDS

Ватанга садоқат,  
ватанпарварлик,  
инсонпарварлик, тафаккур,  
таълим тизими, миллий  
ғурур, ифтихор, миллий  
қадриятлар.

### ABSTRACT

*Жамиятимизнинг хозирги кундаги долзарб муаммоларидан бири ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб улар онгига, дунёқарашига янгича тафаккур уйғотишдир. Шу билан бирга барча таълим муассасалари талабаларини янгича ижодий фикрловчи ва юсак маънавиятли қилиб тарбиялаш ҳамда ўқув машғулотидаги асосий муаммолардан бири талабаларнинг дарс машғулотида фаоллаштириш, назарий-амалий билимларни ўргатиш, диққатни жамлаш ва қўллаш усулларини эгаллашни яхшилашдан иборатдир. Мазкур мақоламизда тиббиёт олийгоҳларида таълим тизимида талабаларга маънавий билим бериш хусусиятлари кўрсатилиб берилган.*

Бугунги кунда янги Ўбекистонимизда ўзини ўзбек миллатининг вакилиман деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсон аждодларимизнинг такрорланмас бой моддий ва маънавий меросидан, жаҳон цивилизациясига қўшган буюк ҳиссаларидан, уларнинг чинакам ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик, Ватан озодлиги йўлида кўрсатган жасорат ва мардликларидан фахрланади ҳамда уларнинг анъаналарини давом эттириш руҳиятига эга бўлади. Шунини алоҳида айтишимиз керакки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида шундай таъкидлайди: “Бугунги глобал маконда, ўзаро рақобат, турли сиёсий, иқтисодий, ғоявий қарама-қаршиликлар ниҳоятда кучайган ҳозирги шароитда ёш авлод тарбиясининг ўрни ва аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Таъкидлаш жоизки, дунёдаги рақобатга бардошли, жаҳон майдонида ўз ўрнига эга бўлишга интилаётган ҳар бир халқ шу масалалар ҳақида жиддий ўйлайди, бу борада амалий чораларни кўради. Ватанимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши ҳар бир ўзбек аталмиш миллат вакилининг миллий ғурурини ошириши, унинг қаддини кўтарди ва унда ўз халқи, она замини, авлод-аждодлар олдида миллат манфаатларини ҳимоя қилишдаги масъулиятини ҳис қилиш руҳиятини шакллантирмоқда. Ўзбек миллатининг ўз Ватани мустақиллигидан фахрланиш туйғусининг ўсиб бориши янги жамият куриш жараёнида вужудга келган



муаммоларни вазминлик билан ҳал этиш ва Ўзбекистоннинг жаҳонда обрў-эътиборини мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Чунки миллий ғурур факат фахрланиш руҳияти бўлиб қолмай, миллат тақдири, келажаги йўлидаги масъуллигини ҳис эта билиш салоҳияти ҳамдир.

Мустақиллигимиз инсонлар миллий ғурурини ошириб, уни халқ, Ватан, ва ўз-ўзини бошқариш ҳамда аждодлар хотираси олдидаги масъулиятни ҳис қилишдек мазмун билан бойитилмоқда. Бундай фахрланиш, жамиятда озод, фаровон ва эркин ҳаётни яратиш йўлида меқнат қилиш, фаоллик кўрсатиш, жақон ҳамжамияти томонидан илм-фан, техника ютуқлари, илғор технологиялардан фойдаланиш миллий ифтихор туйғусини шакллантирадиган, ривожлантирадиган омиллардир. Бу эса, ўз навбатида, кўп жиҳатдан ўсиб келаётган ёш авлоднинг кучи, салоҳияти, бунёдкорлик фаолиятини белгилайди, уларни соғлом тафаккурни шакллантириш учун тинмай изланишга сафарбар этади. Бу сафарбарлик ва миллий ифтихорни ўсиб келаётган ёш авлодда қарор топтириш учун олий таълим тизими катта имкониятларга эга. Чунки бугунги кунда ушбу масканларда ўзбек халқининг ўтмиши, аждодларнинг бой маънавий мероси кенг кўламда ўргатилмоқда.

Чунончи, ўз миллатини таниган, унга мансуб эканлигидан мағрур кишигина бу мағрурлик ҳиссини сақлашга, мустаҳкамлашга ва ўз миллатининг қолюқлик гирдобида қолиб кетмаслиги учун курашишдек олижаноб ишга ўзини доим сафарбар этади. Афсуски, чоракам бир аср давом этган истибдодлик тизимининг тарғиботи ва ташвиқоти кишиларга салбий таъсир ўтказмасдан иложи йўқ эди. Бунинг оқибатида миллий ғурур бўшашди, инсонлардаги миллий ғурур тушунчаси кўп жиҳатдан ўз сифатлари ва қирраларини йўқотди. Демак, миллий ғурури баланд ёшлар мамлакатимиз келажагидир. Шунинг учун ҳар бир фуқарода, ёш авлодда миллий ғурурни шакллантириш, мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Миллий ғурурни шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун, аввало, миллатимизнинг пайдо бўлиш, ривожланиш, миллат бўлиб шаклланиш тарихи, урф-одатлари, анъаналари, адабиёти, санъати, маданияти, дини ва уларнинг инсоният тарихи тараққиётида тутган ўрнини мукамал билмоқ зарур. Иккинчидан, умуминсоний кадриятларни билиш, улардаги миллий менталитетимизга мос илғор ғояларни амалиётга жорий этиш ва шу асосда миллий кадриятларимизни мазмунан ва шаклан бойитмоқ лозим. Учунчидан, жақон андозаларига мос янги техника ва технологияга асосланган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва унда фаоллик кўрсатиш керак. Тўртинчидан, мамлакатимизда истиқомат қилаётган фуқароларнинг ирқи, миллати, наслу насаби, тили ва диний эътиқодидан қатъий назар миллатлараро, фуқаролараро тотувлиги, ҳамжихатлиги ва яқдиллигига эришмоқ учун барча чоратадбирларни кўрмоқ лозим. Шундагина ҳеч қандай ёвуз куч кўп миллатли мамлакатимиз халқлари ўртасига раҳна сололмайди.

Шуни баралла айтишимиз мумкинки, миллий ғурур, ифтихор халқимизнинг қудратини, орзуларини мужассамлаштирадиган улуғ бир кучдир. Талабаларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Чунки, миллий ғурури бор фарзандлар миллатимиз ва Ватанимизнинг келажагига хизмат қила олади. Шу жумладан, тиббиёт олийгоҳлари талабаларида



миллий ғурур туйғусини шакллантириш замонавий тиббий таълимнинг долзарб муаммоларидан бири. Чунки талабаларнинг ўзлиги, ўтмиши ва бугунини чуқур англаши, шунга асосан келажagini белгилашга ундайди. Бундай шароитда миллий ифтихор туйғуси билан камол топган, ўзлигини англаб етган ёш мутахассисларни тарбиялаб етиштириш тиббиёт олий ўқув юртларининг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. Бу вазифани ҳал қилиш учун олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилардан миллий ғурур туйғусининг мазмуни, уни талабаларда шакллантириш имкониятлари, дарс ва дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларни амалга оширишда миллий ғурурни шакллантириш имкониятларидан фойдаланишни давр тақозо қилади. Шу боис талабаларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришнинг мазмуни, шакл, усул ва методларини белгилаш, бу соҳада мавжуд бўлган тарихий тажрибаларни умумлаштириш лозим.

Янги Ўзбекистонимизнинг тиббиёт олийгоҳлари талабаларида миллий ғурур туйғусини шакллантиришнинг вазифаларидан бири улар ўртасида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш асосида уларда юксак маънавий-ахлоқий сифатлар, жумладан, миллий ғурур туйғусини шакллантириш йўлидаги барча имкониятлардан самарали, унумли фойдаланиш ҳисобланади. Миллий ғурур ва ифтихор туйғусининг шаклланиши, талабаларнинг ҳиссиётида содир бўладиган ўзгаришлар уларда миллий ғурур, ифтихор кўникмаларини шакллантиришнинг муҳим субъектив омилларидир. Бундан ташқари миллий ғурур туйғусини шакллантиришда талабанинг миллий мансублигига ҳурмат, унда миллатнинг ютуқларидан ғурурланиш кўникмаларини шакллантириш, ўз устида ишлашга рағбат уйғотиш, мустақил таълим олишга интилишни шакллантириш ва йўналтириш каби катор омиллар ҳам мавжудки, уларни уйғунлаштириш талаб этилади.

Шунингдек, миллий ғурур туйғусини шакллантириш воситалари ичида ўз устида ишлаш, мустақил билим олиш кабилар асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Суҳбат, баҳс-мунозара, бадий кеча ва анжуманларни режали тарзда уюштириш, саёҳатларни ташкил қилишда мазкур вазифа ечимига машғулотлар, мусобақалар, кўрик-танловлар, ижтимоий фойдали меҳнат ва бошқа фаолият турларида таълим-тарбиявий мақсадларни уйғунлаштирган ҳолда амалга оширилади.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Т.: Ўзбекистон, 2021.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т: Маънавият, 2008.
4. Shahob Sharofitdinovich Shodiev. *Academicia An International Multidisciplinary Research Journal "Interpretation of philosophical terms and concepts as an essential subject for linguistic researches of XIX-XX centuries, held in Russia and Europe"* 590-98 10.5958/2249-7137.2020.01171.4
5. Shahobiddin Sharofiddinovich Shodiev. Bakaev Najmiddin Bakaevich. expressions.. (2020). The role of the Latin language in the history of world statehood. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 05 (85), 367-372. SoI: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-05-85-71> Doi:



<https://dx.doi.org/10.15863/TAS> Scopus ASCC: 1203. THE ROLE OF THE LATIN LANGUAGE IN THE HISTORY OF WORLD STATEHOOD

6. Sh.Sh.Shodiyev. N.B.Bakayev. M.N.Khafizova, S.N.Ostonova “ SHAKESPEARS LEXICON: REASON WORD AS A DESIGN OF THE CONCEPT OF THE ABILITY OF THE HUMAN MIND TO ABSTRACTION, CONCLUSION ” Theoretical and Applied Science, 162-166, 2020

7. Ш.Ш. Шодиев, Д.Я.Шигабутдинова. «ШЕКСПИРОВСКИЙ ЛЕКSIKON: СЛОВО REASON КАК ОБОЗНАЧАНИЕ ПОНЯТИЯ СПОСОБНОСТИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО УМА К АБСТРАКЦИИ УМОЗАКЛЮЧЕНИЮ» Инновационный потенциал развития науки в современном мире, 189-197, 2020

8. General cultural and educational values of ancient-classic latin language TN Zayniddinovn, SS Sharofiddinovich CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES 2 (5), 77-80 2021

9. Islam in the evolution of social and political views of the Uzbek Jadids, their role in the formation of the idea of National Independence KB Shadmanov, SS Shodiev, TN Zayniddinovna CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2 (2), 44-50 2021

10. Shahobiddin Sharofiddinovich Shodiev, Najmiddin Bakaevich Bakaev, Nafisa Zainiddinovna Tasheva STUDYING PHILOSOPHICAL REALITIES OF THE RENAISSANCE EPOCH, BASED ON THE STRUCTURAL ANALYSIS OF PHILOSOPHICAL TEXTS // Academic research in educational sciences. 2021. №8. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/studying-philosophical-realities-of-the-renaissance-epoch-based-on-the-structural-analysis-of-philosophical-texts>.

11. Shahob Sharofitdinovich Shodiev. *Academicia An International Multidisciplinary Research Journal* “Interpretation of philosophical terms and concepts as an essential subject for linguistic researches of xix-xx centuries, held in Russia and Europe” 590-98 10.5958/2249-7137.2020.01171.4

12. Mirzaeva, A. S. (2022). THEORY IN INTERTEXTUALITY AND THREE SEAMLESS INTERTEXTS: M. BUTTERFLY BY DAVID H. HWANG, AS IS BY WILLIAM M. HOFFMAN, AND EXECUTION OF JUSTICE BY EMILY MANN. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5-2), 160-165.

13. Kurbanova G.N. The role of ancestral heritage in the development of professional thinking of future professionals *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science* p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2020 Issue: 01 Volume: 81 Published: 30.01.2020 <http://T-Science.org> . SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863

14. Курбанова Г.Н. Развитие профессионального и оперативного мышления будущих специалистов в образовательном процессе. *Neurodynamics журнал клинической психологии и психиатрии*// Т.2 №1.2020, 50-56. ISSN 2658-7955 Адрес: <https://smu.psychiatr.ru/neurodynamics> [The possibilities of using textbooks during mother tongue classes](#)

15. T Ozoda. *ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal* 5 (5), 408-418

16. On the use of study dictionaries in mother language lessons of general secondary schools // *eurasian journal of academic research*//14-19



17. Principles of creating the "annotated dictionary of paronyms" for secondary school students O.F. Tursunova 2022/10/22//Eurasian journal of social sciences, philosophy and culture//2/216-223
18. [High human feelings in Rudakis work.](#)// Theoretical & Applied Science/986-990
19. DJALILOVA, Z. O., & KHAYOTOV, K. M. K. U. LATIN PRONOUNS. *МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ Учредители: ООО "Издательство Молодой ученый"*, (53), 257-258.
20. DJALILOVA, Z. O., & KHAYOTOV, M. K. U. VERBS IN LATIN LANGUAGE. *МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ Учредители: ООО "Издательство Молодой ученый"*, (53), 255-257.
21. DJALILOVA, Z. O., & KHAYOTOV, K. M. K. U. LATIN PRONOUNS. *МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ Учредители: ООО "Издательство Молодой ученый"*, (53), 257-258.
22. Norova, M. F. (2020). Connotative meanings in phonetic variants of verbal root-stems (As an example of English and Uzbek languages). *Theoretical & Applied Science*, (1), 439-442.
23. [Madaniyatlararo tafovutlarning glaballashuv sharoitida ijtimoiy-psixologik xususiyatlar.](#) M.M Zikirayeva. Таълим ва ривожланиш таҳлили онлайн илмий журнали 2 (3), 240-245, 2022/5/5
24. [SHaxs psixologiyasida ranglarning egallagan o'rni xususida.](#) M.M Zikirayeva. Тафаккур ва талқин, 475-485, 2020/5/15
25. [Ўсмирлар хулқ-атворида ижтимоий қадриятлар шаклланишига таъсир этувчи омилларни методологик асослари.](#) М.М Зиқиряева, *Psixologiya* 4 (4), 124-128, 4/2020
26. [О методологии психологического образования.](#) А.А Ахмедов, М.М Зиқиряева. Вестник интегративной психологии 19 (79), 63-67, 2019/9/3
27. [Психологические особенности взаимоотношений мальчиков и девочек в младших классах.](#) Зиқиряева М.М. (г. Бухара, Узбекистан) Вестник 24/2022 128-130с
28. [Psychology in teaching english language.](#) "Eurasian journal of social sciences, philosophy and culture". Zikirayeva Manzura Mavlonovna, Hakimova Muhabbat Alimovna, Volume 2 Issue 5, May 2022. ISSN 2181-2888. 228-232 p.
29. [Тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларини мантикий тафаккурини ривожлантиришнинг психологик механизмлари.](#) Зиқиряева М.М. Journal of new century innovations. 2022.11.07,16(3), 33-39 p.